

**“Ўзмиллийбанк” АЖда 2026 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича
манфаатлар тўқнашувини бошқариш ҳолати ҳамда ушбу йўналишда
амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида**

ҲИСОБОТ

I. Умумий маълумот

Ҳисобот даврида “Ўзмиллийбанк” АЖда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва тартибга солиш соҳасидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Банкнинг ички қоидалари талабларига мувофиқ тизимли равишда амалга оширилди.

Асосий эътибор манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф ва омилларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тизимини такомиллаштириш, ходимлар томонидан қонунчилик ҳамда ички норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш маданиятини юксалтириш, шунингдек мазкур йўналишдаги ички назорат механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилди.

II. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун талабларини Банк фаолиятига тўлиқ имплементация қилиш мақсадида Банкнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив ҳужжатлари комплекс равишда қайта кўриб чиқилди ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилди.

Жумладан:

“Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш сиёсати” (2026 йил 30 июнь, 163в/35-сон);

“Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” (2026 йил 30 июнь, 162в/35-сон) янги таҳрирда тасдиқланди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида Банкда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш, ошкор этиш ва тартибга солишга қаратилган ягона ҳуқуқий ва ташкилий механизм шакллантирилиб, унинг амалиётда самарали қўлланилиши таъминланди.


III. Декларациялаш натижалари ва хавфлар таҳлили

Ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги йиллик декларацияларни тўлдириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, жумладан:

Кўрсаткич	Сони
Жами штат бирликлари	6 525
Декларация топширган ходимлар	6 287
Бола парвариши таътили, ўқиш ва бошқа узрли сабаблар кўра топширмаганлар	238

КЎРСАТКИЧ

- Декларация топширган ходимлар
- Бола парвариши таътили, ўқиш ва бошқа узрли сабаблар кўра топширмаганлар



Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар таҳлили натижаларига кўра қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- **385** нафар ходимнинг Банк тизимида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган яқин қариндошлари мавжудлиги;
- мазкур ҳолатларни ўрганиш натижасида **4** та ҳолатда ходимлар ўртасида бевосита бўйсунув муносабатлари мавжудлиги аниқланиб, улар мавжуд манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳоланди ҳамда Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори асосида белгиланган тартибда бартараф этилди;
- **42** нафар ходимнинг юридик шахслар устав фондида улуш ёки акцияларга эгаллиги ёхуд уларнинг бошқарув органлари таркибида иштирок этиши мавжудлиги;
- **158** нафар ходимнинг яқин қариндошлари тадбиркорлик субъектларининг устав капиталида иштирок этиши ёки уларнинг бошқарув органлари таркибига кириши аниқланди. Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори асосида

Банкнинг Одоб-ахлоқ комиссияси қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ манфаатдорлиги мавжуд ходимлар ҳамда уларнинг яқин қариндошлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан белгиланган тартибда огоҳлантирилди.

IV. Профилактик чора-тадбирлар

Ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва унинг юзага келиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган қуйидаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилди:

- ишга қабул қилинаётган номзодлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни тўлдириш ва уларда келтирилган маълумотларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

- ходимларни лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ҳамда ротация қилиш жараёнларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки юзага келиши эҳтимолини баҳолаш;

- Банкнинг барча ходимларини коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш соҳасидаги ички норматив ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан таништириш ҳамда улар томонидан мазкур талабларга риоя этилишини таъминлаш.

Амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш ва самарали тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

V. Ўқув ва мониторинг ишлари

Ҳисобот даврида Коррупцияни олдини олиш бошқармаси томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ва профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, САП таълим платформаси орқали:

- “Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати”;
- “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун;
- “Коррупция учун жавобгарлик” мавзулари бўйича масофавий ўқув машғулотлари ташкил этилди ҳамда уларга жами **4 630 нафар** ходим жалб қилинди.

Шунингдек, ҳисобот даврида:

- Банкнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича семинарлар, давра суҳбатлари ва билимларни баҳолашга қаратилган тест синовлари ўтказилди;

- коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган мониторинг чора-тадбирлари режаси тасдиқланиб, унинг ижроси юзасидан тизимли ишлар ташкил этилди;

- аноним сўровномалар ўтказиш орқали ходимлар фаолиятида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар ўрганилди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган мазкур чора-тадбирлар ходимларнинг коррупцияга қарши муросасиз муносабатини шакллантириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган профилактик механизмларни такомиллаштириш ҳамда Банкда комплаенс маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилди.

VI. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга нисбатан қўлланилган чоралар

Ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ **3** та ҳолат аниқланиб, уларнинг ҳар бири юзасидан белгиланган тартибда хизмат текширувлари ўтказилди.

Ўтказилган текширувлар натижасида айрим ҳолатларда шахсий манфаатлар билан хизмат манфаатлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўйилганлиги, қарор қабул қилиш жараёнида

холислик ва шаффофлик тамойилларига тўлиқ риоя этилмаганлиги, шунингдек Банкнинг ички қоидалари ва комплаенс талаблари бузилганлиги аниқланди.

Аниқланган қоидабузарликлар юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳамда Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарорларига асосан қуйидаги таъсир чоралари қўлланилди:

- 1 нафар ходимга нисбатан меҳнат қонунчилиги ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чораси қўлланилди;
- 1 нафар ходим билан меҳнат шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинди;
- 1 нафар раҳбар ходимнинг интеграциялашган рағбатлантирувчи устамаси икки ой муддатга камайтирилди.

Ҳар бир ҳолат Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, қоидабузарликларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил этилди ҳамда келгусида шунга ўхшаш ҳолатларнинг такрорланишининг олдини олиш, ички назорат механизмларини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувини самарали бошқаришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар ҳамда масъул таркибий бўлинмаларга аниқ топшириқлар белгиланди.

VII. Таҳлилий хулоса

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар натижалари Банкда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тизими изчил такомиллаштирилаётганини кўрсатди. Декларациялаш тизимининг жорий этилиши манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш имкониятларини кенгайтирди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллار айрим жараёнларда ички назорат ва комплаенс механизмларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатди. Келгусида декларациялаш жараёнларини рақамлаштириш, автоматлаштирилган мониторинг ва назорат тизимларини жорий этиш ҳамда коррупциявий хавфларни эрта аниқлаш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши Банкда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши комплаенс тизими самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

VIII. Якуний хулоса

Ҳисобот даврида “Ўзмиллийбанк” АЖда манфаатлар тўқнашувини бошқариш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Банкнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ тизимли ва изчил ишлар амалга оширилди. Манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш ва тартибга солишга қаратилган ташкилий, ҳукукий ҳамда профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мазкур йўналишдаги ички назорат механизмлари самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тизимининг амалиётга жорий этилгани, мавжуд ҳолатларни тизимли таҳлил қилиш ва уларни

бартараф этиш бўйича таъсирчан чораларнинг қўлланилиши Банкда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш учун мустаҳкам асос яратди.

Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тизимини рақамлаштириш, автоматлаштирилган мониторинг ва назорат механизмларини кенг жорий этиш, комплаенс назоратини янада кучайтириш, профилактик чоратadbирларни изчил давом эттириш ҳамда раҳбарлар ва ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш мазкур йўналишдаги устувор вазифалар бўлиб қолмоқда.

Мазкур вазифаларнинг изчил амалга оширилиши Банкда очиқлик ва шаффофлик тамойилларини мустаҳкамлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда коррупцияга қарши комплаенс тизимини халқаро илғор амалиётлар ва миллий қонунчилик талаблари асосида янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Коррупцияни олдини олиш бошқармаси